

ЗАЙТУН ЎСИМЛИГИ ВА УНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д. Ёрматова
Профессор, ДТПИ,

А. Бозорова
Магистр ДТПИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада зайтуннинг Арбакена нави кўчатларининг биологик хусусиятлари ва совуққа чидамсизлиги ҳамда қайта униб чиқиш хусусиятига эга эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар:- зайтун, ҳарорат, совуқ, тупроқ, суғориш, кўчат, ўғитлар, баҳорда ўсиб чиқиш.

АННОТАЦИЯ

В этой статье приведены данные, биологические особенности и морозоустойчивости, а также приведены данные прорастания весной сорта олива Арбакена

Ключевые слова:- олива, температура, мороз, почва, орошение, саженец, удобрение, прорастание весной.

ABSTRACT

This article provides data, biological characteristics and frost resistance, and also provides data on the spring germination of the olive variety Arbakena

Keywords: olive, temperature, frost, soil, irrigation, seedling, fertilizer, spring germination.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ўсимлик мойига бўлган талаб ошиб бормоқда, бунга биринчи сабаб-пахта чигитининг камайиши бўлса, иккинчи сабаб-минтақада яшовчилар сонининг узлуксиз тезлик билан кўпайишидир. Ҳисобларга кўра, мустақилликни бошида республикамизда яшовчилар сони 19 млн киши бўлса, 2023 йилга келиб инсонлар сони 36 млн дан ошганлиги маълум. Демак ушбу кўрсаткич, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан яъни кундалик турмуш тарзида энг кўп ишлатиладиган ўсимлик мойи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш кун тартибидаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолади.

Республика аҳолисиниг кўпчилик қисми бугунгача пахта чигитидан олинган мойни истеъмол қилишадилар, аммо бу мойнинг таркибида госсипол алколоиди бўлиб инсонлар соғлигига зарар беради. Бизнинг зайтун кўчатларини келтириб экишдан мақсадимиз, аҳолига экологик тоза бўлган зайтун мойи етказиб бериш бўлган.

Дунёда истеъмол қилинадиган мойлар ичида инсон организми учун энг фойдали ва сифатли деб тан олинган мой-зайтун мойидир. Зайтун мойи таркибида саломатликни мустаҳкамлайдиган 104 хил элемент мавжуд. У осон ҳазм бўлиши, она сути таркибидаги мойга жуда ўхшашлиги билан ажралиб туради. Шу боис буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ундан кўплаб хасталикларни даволашда фойдаланган. Зайтун мойи дунёда асосан озиқ-овқат учун энг кўп миқдорда ишлатилади, аммо шу билан бир қаторда дори-дармонлар тайёрлашда кўпгина касалликларни даволашда фойдаланилган. Мевали дарахтлар онтогенезида энг асосий омиллардан бири –совуқ бўлмаган кунларнинг давомийлиги яъни кўплигидир, аммо бу муддатлар ҳам йиллар давомида анча ўзгариб кетди. республиканинг энг жануби Сурхондарёда иссиқ кунлар муддати -227-266 кун бўлса, фарғона вилоятиниг текис ва тоғ олди худудларида совуқсиз кунлар сони 203-229 кун ва республиканинг энг жанубий қисмида ўсимлик ўсадиган кунлар сони 240-260 кунга етади

Ўзбекистон зайтун етиштириш имкони бўлган энг ёш мамлакатлардан биридир. 2022 йилда республика ҳукуматининг қарори билан Сурхондарё вилояти Олтинсой туманига Туркиядан 50 гектарга мўлжалланган зайтун кўчатлари келтирилди ва улар биринчи марта катта майдонларга экилди. Экилган зайтун нави кўчатлари асли келиб чиқиши Испаниянинг Арбекина нави бўлиб Туркия тупроқ иқлим шароитига мослаштирилган. Бизда биринчи марта зайтун 2022 йилда субтропик ҳисобланган Олтинсой тумани худудида зайтун кўчатларининг барчаси бехато кўкарди ва биринчи йилдаёқ бўйининг баландлиги 2 метрдан узун бўлди. ушбу кўрсаткич зайтун кўчатлари учун талаб қилинган тупроқ иқлим шароити мавжуд эканлигини кўрсатди. Чунки зайтун ўзига хос биологик хусусиятларга эга бўлиб ўсиши ривожланишида алоҳида ҳарорат ва намликни талаб қилади.

Арбакена зайтун нави кўчатлари мутлақо янги технология асосида экилди. Авваллари зайтунларни туп ораси 5- ёки 6 метр масофа қолдирилди. Бу йил экилган зайтунларда қатор ораси 1,5 метр қолдирилган бўлиб, бундай парваришlash усулида уларни йиғиб олиш жараёни осонлашади ёки йиғиб олиш мутлоқа механизация ёрдамида олиб борилади. Эрта баҳорда зайтун кўчатларни экишдан олдин ер яхшилаб ҳайдалиб, юмшатилади ва даладаги барча бегона ўтларни илдизлари териб олинди. Ҳар бир ярим метр масофада чуқур қазилиб

уларни эни 50 см ва чуқурлиги ҳам 50 см қилиб тайёрланди. Зайтун кўчатлари Туркиядан тупроқлари билан келтирилган бўлиб, чуқурлар уларни ўраб турган плёнка халтачалар кесиб ташланди ва илдизлари очилмаган ҳолда чуқурга экилиб устидан тупроқ ташланди.

Зайтун кўчатлари экилгандан сўнг дарҳол томчилатиб суғорилди ва гектарига соф ҳолда 30 кг.дан аммоний селитра ўғити берилди. Орадан яна бир ой ўтгандан сўнг яна 30 кг миқдорда аммоний селитра ўғит томчилатиб суғориш орқали берилди, азотли ўғитлар зайтун кўчатларини тезроқ ўсиб кетишига имкон беради. Экилган кўчатларни чуқури устига имкони бори қадар ён атрофдаги тупроқлар юмшатилиб, илдизни устига унумдор тупроқдан ташланди ва олиб келинган зайтун кўчатларини ўралган қора плёнкаси олиб ташланиб ниҳоятда эҳтиёткорлик билан чуқурга ўтказилди. Бир киши зайтун кўчатини ушлаб туриб, иккинчи киши чуқурни тупроқлар билан тўлдирди. Кўчатларни усти зичланиб бўлгач, ҳар бир чуқурга бир челақдан сув қуйилди. Сув қуйишдан мақсад чуқурга ташланган тупроқлар орасида ҳаво қолмаслиги учун бу тадбир қўлланади.

Зайтун кўчатларни бир бирига яқин қилиб екишдан мақсад вақти келганда уларнинг ҳосилини механизация ёрдамида териб олишдир. Чунки зайтун мевалари жуда майда бўлгани учун териб олиш ишлари анча мураккаб ҳисобланади. Аслида зайтунлар жуда тез ўсади, шунинг учун уларни бир йилда 3-4 марта буташ лозимдир. Ҳозир мамлакатимизда ташкил қилинган ёш мевали дарахтларни боғларни мана шундай усулда экишмоқда., чунки олма дарахтлари жуда катта бўлиб ўсиб кетмагани учун бу усулда уларни парваришлаш бир мунча осон кечади. Олтинсой туманида экилган янги плантация 50 гектар майдонга экилган зайтун кўчатлари бугун авж билан ўсиб етилмоқда. Ҳозирги кунда уларни айримлари баҳордаёқ гуллаб, мева берди, айрим дарахтчаларда 12-20 донагача зайтун мевалари ҳосил бўлди.

Аммо энг оғир масала шу бўлдики, 2022 дан 2023 йилга ўтар киш фаслида совуқ ҳарорат – 24-25⁰ Сдан ошиб кетганлиги сабабли, ёш зайтун кўчатларни асосий қисмини совуқ уриб кетди, айрим кўчатлари шоли поҳоли билан ўраб қуйилди, бу ҳимоя усулининг ёрдами бўлмади. Чунки аслида зайтун кўчатлари учун боғнинг жойи нотўғри танланган бўлиб, шамолларни қайтарадиган ҳимоя йўқ эди. Профессор Д Ёрматованинг маслаҳатига кўра, зайтунлар шамол ва қаттиқ совуқлар устидан ўтиб кетадиган майдонлар, шамолдан озгина бўлса ҳам пана бўлган майдонлар танланиши керак бўлган. Чунки бугунги кунда иқлим ўзгариши ва қутилмаганда қаттиқ совуқларни ёки ҳароратнинг ўта юқори бўлиши одатий ҳолга айланмоқда.

2023 йилнинг баҳорида ҳароратнинг озгина исиши билан Олтинсойда совуқ урган зайтун кўчатларига тезлик билан суғориш тавсия қилинди, чунки бу агротехник тадбирдан мақсадимиз тупроқ тагидаги зайтун пояларни совуқ урмаган қисмидан янги новдалар ҳосил бўлишини кутиш эди.

Суғориш ишлари ижобий натижа бериб, ер устки қисми совуқ урган зайтун кўчатларининг пастидан айримларида битта, айримларида бир нечта зайтун новдалари ҳосил бўлди ва бу новдалар тезлик билан ўсиб ривожланиб кетди. Сентябрь ойидаги кузатишларимизга кўра бу йил қайта ўсиб чиққан зайтун кўчатлари бўйининг баландлиги 150 см гача бўлиб, жуда кўп ён шохлар ҳосил қилган.



1-расм. Ушбу суратда Олтинсой туманида 2023 йилда қайта ўсиб чиққан зайтун новдаларининг кўриниши.

Ҳосил бўлган янги зайтун новдалари бир марта совуқ ургани учун анчагина совуқларга мослашди ёки интродукция бўлди деб ҳисоблаймиз. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, дунёнинг зайтун кўп экиладиган Ўрта Ер денгизи мамлакатларида ҳам зайтунларни 15-17 йилда бир марта совуқ уриши ҳақида айтиб ўтилган. Испания, Италия, Греция ва башқа мамлакатларда зайтунларни совуқ урса ҳам бир йил ҳосил бермайди, иккинчи йили кўкариб чиққан зайтун новдалари ҳосил бера бошлайди. Шу тариқа катта қийинчиликлардан сўнг зайтунни Ўзбекистонда экиш мумкин деган хулосага келинди. Аммо ҳали бу борада жуда катта кузатишлар, илмий ишлар олиб борилиши керак эди.

Ўзбекистонда зайтун янги ўсимлик бўлгани учун, унинг биологик хусусиятлари, етиштириш агротехнологияси, экиладиган навлари борасида ҳали катта изланишлар олиб борилиш лозим. Агарда олимларимиз **in-vitro** усулида зайтун кўчатларини кўпайтиришга ўтишса, бунда совуққа чидамли генларни сақлаб қолган ҳолда кўчатлар яратиларди ва зайтунларимиз совуққа чидамли бўлиб биз келажакда ўз зайтун мойимизга эга бўлардик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Абдуллаев В.Г. Агроклиматические ресурсы Азербайджанской ССР Автореф. дисс. на соиск. уч. степени. канд. Географ. наук. - Баку, 1976-22 с.
2. Алексеев В.П. Маслина - Оливковое дерево. Бюллетень ВНИИЧИСК 1954, № 4, с 86-109
3. Доманская Э.Н. К вопросу об определении дыхательного процесса у маслины в связи с ее морозоустойчивостью. - Бюллетень ГНБС, 1973, вып.3(22), с.48-51.
4. Горбей Д.Е. Маслина и ее перспектива в Юго-Западной Туркмении. Совет. субтропики, 1940, № 5, с 27
5. Гутиев Г.Т., Мосияш А.С. Климат и морозостойкость субтропических растений. - Л.: Гидрометиздат, 1977. - 280 с.
6. Ёрматова Д.Ё. Зайтун или Олива. Тошкент. Фан ва технология. 2017. 34 с.
7. Шолохова В.А. Изучение микроспорогенеза – исходной родительской формы маслины в различных температурных условиях. Сб. работ УОГИС, – Киев, 1975.
8. Шолохова В.А., Караханова С.Б. Накопление масла в плодах маслины. Масложировая промышленность, 1977. №3, с.20
9. Союнов, Пеливан. Морозоустойчивые сорта и формы маслины в условиях Юго-Западного Туркменистана / Пеливан Союнов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2011. — № 9 (32). — С. 272-275.